

БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ИЖОДИЙ ҚОБИЛЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИ.

Махмудова Шахлохон Бахтиёр кизи
Наманган шаҳар 40-мактаб бошлангич синф ўқитувчиси

Аннотация: Бошлангич синф ўқувчининг шахсий хусусияти, имкониятига қараб ижодий фаолиятни, иштиёқини, қизиқишини самараали ривожлантириш учун аввало бошлангич синф ўқувчиларнинг ўз ижодий қобилиятларини мустақил равишда намойиш этиши имконига эга бўлган шарт-шароитларни, дарс машғулотларида ўзига бўлган ишончини, берилаётган ижодий вазифаларни бажаришда мустақил қарор қабул қилишини таъминлаш ва ижодий муҳитни яратиш муҳим.

Калит сўзлар: коммуникация, таълим, тарбия, ижодий фаолият, ижодий қобилият, ментал арифметика, методика.

Аннотация: Для эффективного развития творческой активности, увлеченности, интереса, в зависимости от личности ученика начальной школы, возможности, важно в первую очередь обеспечить условия, при которых учащиеся начальной школы имеют возможность самостоятельно проявлять свои творческие способности, уверенность в себе на уроках класса, самостоятельное принятие решений-вносить вклад в выполнение поставленных творческих задач и создавать.

Ключевые слова: общение, образование, воспитание, творческая деятельность, творческие способности, ментальная арифметика, методика.

Annotation: For the effective development of creative activity, passion, interest, depending on the personality of an elementary school student, opportunities, it is important first of all to ensure conditions under which elementary school students have the opportunity to independently demonstrate their creative abilities, self-confidence in class lessons, independent decision-making-to contribute to the fulfillment of creative tasks and create.

Keywords: communication, education, upbringing, creative activity, creative abilities, mental arithmetic, methodology.

Мамлакати қаторига киришига эришиш яъни, узлуксиз таълим тизими мазмунини сифат жиҳатидан янгилаш, ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълимтарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш, халқ таълими соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инновацион лойиҳаларни жорий этиш, ёшларни тарбиялаш ва уларнинг бандлигини таъминлашда мактабдан ташқари таълимнинг замонавий усуллари ва йўналишларини жорий этиш, қолаверса, ёшларнинг таълим-тарбияси

учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга татбиқ этиш тўғрисида айтиб ўтилган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши билан узлуксиз таълим тизимининг асоси яратилди. Бинобарин, “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг 26-моддасида ўқитиш жараёнига илғор, замонавий педагогик технологияларни кенг кўламда татбиқ этиш барча турдаги таълим муассасалари олдидаги энг долзарб вазифалардан бири хисобланади. Дунё бўйича ривожланган мамлакатларда ёшларни таълим-тарбиясига катта эътибор қаратилмоқда ва ушбу йўналишлар бўйича давлат дастурлари қабул қилинмоқда. Бу борада республикамиизда узлуксиз таълим тизимида туб ислоҳотлар олиб борилмоқда ва уларнинг мазмун – моҳиятини келажагимиз бўлган ёш авлодни интеллектуал салоҳиятли, маънавий етук, жисмонан бақувват, инновацион ривожланган баркамол шахс қилиб тарбиялаш масалаларини ҳал қилиш ташкил этади. Уларда эришилган натижалар кичик мактаб ўқиҷидаги ўқувчилар тафаккур қамровини юксалтиришда муҳим дидактик асос бўлиб, улар орқали бошланғич таълим мазмунни замонавий талаблар асосида шакллантиришга эришилмоқда. Шу билан бирга ҳозирда жамият тараққиёти даражаси замонавий таълимда илм-фан ва техника-технологияларнинг илғор ютуқларидан фойдаланишни ҳам тақозо этмоқда. Бошланғич синф ўқувчиларида ижодий қобилятини ривожлантириш масалалари юзасидан олиб борган изланишларимиз натижалари таълим жараёнида муайян фанларни ўқитишда маълум бир таълим йўналишини амалга оширишда инновацион метод ва технологияларни ишлаб чиқиб, улардан маълум йўналишларда самарали фойдаланишга мўлжалланган ижодий фаолияти муҳитини яратиб, бошланғич таълимни оптимал ташкил этиш кераклигини кўрсатмоқда. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисидаги фармонида айни кўриб чиқилаётган муаммо ечимини ҳал қилишга доир кенг имкониятлар яратилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 июндаги “Ёшлар-келажагимиз” Давлат дастури тўғрисидаги Фармонида “Замонавий билим ва кўникмаларга эга, мамлакатнинг муносаб келажаги учун жавобгарликни ўз зиммасига ола биладиган баркамол, мақсадга интилевчан ва серғайрат ёшларни тарбиялаш мамлакатни барқарор ва илдам ривожлантиришнинг энг муҳим шартидир”, деб алоҳида белгиланган. Шунга кўра жамиятимиздаги меҳнат – ҳақиқий ижод, қувонч манбаи. Бошланғич синф ўқувчиларини ўқув меҳнатига ижодий муносабат уйғотиб, меҳнатнинг ҳақиқий ижод, қувонч манбаига айланишига кўмаклашиши керак.

Ментал арифметика умумтаълим мактабининг бошланғич босқичида бошланғич синф ўқувчиларини ўқитиш, тарбиялаш ва ижодий фаолиятни ривожлантиришнинг мажбурий шарти ва таркибий қисми ҳисобланади. Бошланғич синф ўқувчиларининг турли хил усуллари қолаверса, дарсдан ташқари фаолиятлари

орқали амалга оширилади. Таниқли олимлардан Н.К.Крупская, А.С.Макаренко, А.В.Луначарский, С.Л.Рубинштейнлар бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий фаолиятини ривожлантиришда меҳнат ёки технология фани мұхим ўрин әгаллайды, деб ҳисоблайдилар.

Бошланғич синф ўқувчилари ўз құллари билан бирор буюмни ясаш, тайёрлаш, ўқувчиларда әхтиёткорлилик ҳиссини ва хотирани ривожлантиради, шу билан бир қаторда, маъсулиятлилик, қатъиятлилик ва сабр-тоқатни үргатади. Буларнинг барчаси бошланғич синф ўқувчиларини мактабда, айниқса, график иншо ёзишни үрганишда ёрдам берибгина қолмай, кейинчалик уларнинг ҳаётида бу кўникмалар фойдали ҳамда самарали бўлади. Технология дарслари бошланғич синф ўқувчиларининг ижодий фаолиятини тасаввурини, тафаккурини бадиий ва санъатни шакллантиришга ривожлантиришга ёрдам беради. Бундан ташқари, бошланғич синф ўқувчиларининг мия ярим шар касалликлари ва нутқий нуқсонлари бўлган болалар учун жуда мұхим бўлган нозик восита ҳисобланади. Ижодий ёки маҳорат дарслари бошланғич синф ўқувчиларига нафақат тасаввурни ривожлантиришда, балки кўплаб амалий кўникмаларни ҳам шаклланишида ёрдам беради. Масалан, бир тугмани тикиш, рангли қоғозлардан бирор бир буюм ясаш, нонушта тайёрлаш, оиласан гиз ва дўстларингизга ўз қўлларингиз билан совғалар тайёрлаш, буларнинг барчаси бошланғич синф ўқувчиларида ривожланиши мақсадга мувофиқ.

Маълумки, қизиқиш ўқувчиларнинг эмоционал безаги бирор буюм, бирор фаолиятни танлаш муносабати ва йўналишидир. Шунга кўра, психологияда қизиқишнинг икки тури ўқувчиларнинг таълим жараёнида аниқланади: биринчиси, бевосита қизиқиш, иккинчиси эса билвосита қизиқишдир. Ҳар бир ўқитувчи ўз ўқувчиларида ўз фанига нисбатан билвосита қизиқишни таркиб топтиришга ҳаракат қиласади. Қизиқишлар орқали ўқувчиларда таълимга фаол муносабат намоён бўлади. Албатта, бошланғич синф ўқувчиларини қизиқишларини ва қизиқиш орқали ижодий фаолиятларини ривожлантиришда бир нечта омиллар ва самарали усуllар мавжуд бўлиб улардан бир нечта усуllарни кўриб чиқамиз.

“Ёпиқ китоб” усули- бу муайян фан бўйича матн материалини қўлланиш усуllаридан бири бўлиб, ўқувчилардан матнда бор маълумотларни эслаб қолишини, лекин мунозара пайтида матнни қайта баён этмасликни талаб қиласади. Бу усул ҳам бошқа усуllар билан биргаликда қўлланишни ва ўқувчилар ўқишда фақат “қайта баён этиш” билан чегараланмасликларини талаб қиласади.

Ушбу усул бошланғич синф ўқувчиларнинг ижодий фаолияти мұхитида дарс машғулотларини олиб боришдаги умумлаштирувчи дарс машғулотларида (интерфаол ўқув машғулотларида) жуда ҳам қўл келади. Бошланғич синф ўқувчилар учун энг қулай ва осон ишлов берадиган материал бу қоғоздир. Қоғоз маҳсулотларини ишлаб чиқариш қўлларнинг мушакларининг ривожланишига ёрдам беради, ўқувчиларнинг кўриш фаолиятини яхшилайди, уни ёзиш кўникмаларини

ривожлантириш учун тайёрлайди, бошланғич синф ўқувчиларнинг эстетик ривожланишига, рангларни бири бирларига уйғунлаштиришда ҳам ўз ақл-идроқларига таянишади.

Айниқса, лой (пластилин) билан ишлаш дарслари –(ҳайкалтарошлиқ)ёки лой пластилин ёрдамида бирор бир буюм ясаш. Ҳайкалтарошлиқ дарслари бошланғич синф ўқувчилари учун ўзига хос бўлмаган (бу ва шунга ўхшаш иш учун зарур.

бўлган) шахснинг ижодий фазилатларини шакллантиришга ёрдам беради, аммо умумий аҳамиятга эга. Ушбу дарслар бошланғич синф ўқувчиларининг ақлий қобилиятларини ривожлантиради, уларнинг дунёқараашларини, тасаввурларини кенгайтиради, ахлоқий ғояларни шакллантиради ва атрофдаги дунёга ижодий муносабатни шакллантиришга ёрдам беради. Бундан ташқари, лойдан (пластилиндан)тайёрланган барча маҳсулотлар ҳаёт билан боғлиқ бўлган хурсандчиликларни декоратив ва амалий санъатга жуда таъсир кўрсатади.

Рмайдиган нарсаларни аста - секин тасаввур қила бошлайди. Ўқувчиларнинг ижодий фаолиятларини кенгайтиришда ва ривожлантиришда саёҳат ўйинлари алоҳида педагогик аҳамиятга эга. Улар географик, тарихий, ўлкашунослик характеристига эга. Бундай ўйинлар китоблар, хариталар ва турли ҳужжатлар ёрдамида амалга оширилади. Улар ўқувчиларда тасаввур қилиш вазиятлари ёрдамида ўтказилади. Барча ҳаракатлар ва кечинмалар ўйиндаги роллар ёрдамида аниқланади. Бу ерда ўқувчилар геолог, иқтисодчи, зоолог, муҳандис ролларида намоён бўладилар. Ўқувчилар кундаликлар, хатлар ёзадилар, билиш характеристига эга бўлган турли-туман материалларни тўплайдилар.

Бугунги кунда жамиятда юз бераётган катта ўзгаришлар мактаб олдига ўқув фаолиятнинг барча жабҳаларида бошланғич синф ўқувчиларини ижодий фаолиятни ривожлантириш ҳамда жамиятда шахс сифатида шакллантириш билан боғлиқ муаммолар ечимини ҳал этиш вазифасини қўймоқда. Бу муаммоларнинг ечимини топишда бошланғич синф ўқувчиларида ижодий фаолиятни ривожлантириш асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қиласди. Ҳозирги кун педагоги бошланғич синф ўқувчилар билан ишлаганда бу қобилиятларнинг янада самаралироқ шаклланишига ва ривожланишига ёрдам бериши, бошланғич синф ўқувчиларнинг ақлий ва амалий малакаларини фаоллаштиришни таъминлайдиган таълим усуллари ва методларини қўллашга диққатини қаратиши лозим.

Хуроса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, ҳар бир бошланғич синф ўқувчининг шахсий хусусияти, имкониятига қараб ижодий фаолиятни, иштиёқини, қизиқишини самарали ривожлантириш учун аввало бошланғич синф ўқувчиларнинг ўз ижодий қобилиятларини мустақил равишда намойиш этиш имконига эга бўлган шартшароитларни, дарс машғулотларида ўзига бўлган ишончини, берилаётган ижодий вазифаларни бажаришда мустақил қарор қабул қилишини таъминлаш ва ижодий муҳитни яратиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. М.Э.Жумаев. Бошланғич таълим фанларини үқитиш методикаси модули бўйича ўқув – услубий мажмуда. II қисм. Тошкент, 2018.
2. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006.
3. Кондаков, А.М. Федеральный государственный стандарт общего образования и подготовка учителей / А.М. Кондаков // Педагогика. - 2010. - №5
4. Бобоева, З. М. (2022). ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ ЛОГИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ МЛАДШИХ ШКОЛЬНИКОВ. Ученый ХХI века, (5-1 (86)), 22-25.
5. Бобаева, З. М. (2021). ФОРМИРОВАНИЕ ТОЛЕРАНТНОСТИ У ШКОЛЬНИКОВ В ПРОЦЕССЕ ИЗУЧЕНИЯ ЭТНОКУЛЬТУРЫ РАЗЛИЧНЫХ НАРОДОВ. In Диалог культур и толерантность общения (pp. 66-71).
6. Бобаева, З. М. (2023). ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ЛОГИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ МЛАДШИХ ШКОЛЬНИКОВ И ПУТИ ЕГО РАЗВИТИЯ В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ. Экономика и социум, (1-1 (104)), 183-191.